

**«ФАЛСАФА (ЭТИКА, ЭСТЕТИКА, МАНТИК)»**  
**ФАНИДАН**  
**ДАСТУР**

**Тузувчилар:** проф. Н.Маматов,  
доц. А.Хожибоев,  
доц. Ж.Абдухоликов,  
доц. Ў.Носиров,  
ф.ф.н. М.Қаххорова,  
к. ўқ. С.Юлдашева,  
к. ўқ. А.Султанова, к  
ўқ. И.Машарипов,  
к. ўқ. Г.Абдуллаева.

**Тақризчилар:** проф. С.Мамашокиров,  
проф. М.Зарипов,  
доц. Ў.Шокиров.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган ижтимоий-гуманитар фанларни бакалаврларга ўқитиш норматив соатлари асосида «Фалсафа» кафедраси томонидан тайёрланган. У институтнинг ҳамма факультетлари ва бўлимларида фалсафа асосларини ўқитишга мўлжалланган.

Дастурда фалсафа (этика, эстетика, мантиқ) фани юзасидан ўтиладиган маърузалар ва амалий машғулотлар соатлар сеткаси, мавзулар мазмунини ташкил қилган асосий масалалар, уларга оид асосий адабиётлар, мустақил ишларга оид мавзуларнинг мазмуни ҳам берилган.

В данной программе излагаются рекомендации и указания по обучению предмета философии (этика, эстетика, логика). Кроме того в ней изложены основные направления тем, как предмет философии, место философии в жизни человека и общества, философские взгляды народов Древнего Востока и Центральной Азии, Европейская философия Средневековья и нового времени, философия развития, философия сознания, познания и общество. В программе приведена необходимая и дополнительная литература по изучению данного предмета.

This curriculum was prepared by the “Philosophy” cathedra of Financial Institute of Uzbekistan based on normative hour of teaching social sciences to bachelors confirmed by Ministry of Higher and specific education of Republic of Uzbekistan. It

is supposed to teach principles of philosophy in all faculties and departments of institute

Curriculum contains hours of lections and practical work connected with principles of philosophy, main questions which are basis of themes, main literature related to them, contexts of independent studying themes are given.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

## **1. СҮЗ БОШИ**

Бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган янги Давлат таълим стандартининг (ДТС) ўкув режасига мувофиқ мазкур фанни ўқитиш кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда ушбу дастур ишлаб чиқилди. Иқтисодий олий ўкув юртлари ва факультетларида кенг ихтисосдаги иқтисодчи-бакалаврларни тайёрлаш учун зарур бўлган фанлар орасида фалсафани ўқитиш муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодчи-бакалаврлар фалсафа фанини мукаммал эгаллагандагина, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда келажаги буюк давлатни барпо этишда ўзинининг онгли, ижодий хиссасини қўша олади.

**Фанни ўқитишнинг мақсади** - талабаларда фалсафий дунёқарашни, тафаккурни шакллантириш, уларда мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилиш ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳодисаларни фалсафанинг тамойиллари, қонунлари, категориялари, билиш усуслари ёрдамида ташлил қилишга ўргатишдан иборатdir.

**Вазифаси** - иқтисодчи - бакалаврларга фалсафа фанидан сабоқ бериш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини фалсафий таҳлил қилиш малакасини шакллантириш, фалсафа тарихида яратилган тафаккур қадриятлари билан таништириш, борлик, онг ва билишга алоқадор бўлган фан ютуқлари билан куроллантириш, мустақил тафаккурни қарор топтириш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлатни яратиш учун фидоий инсонни шакллантириш.

**Бошқа фанлар билан ўзаро боғли=лиги.** Фалсафа (этика, эстетика, мантиқ) фанини кенг кўламда ва чуқур ўзлаштириш учун тарих, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик, психология, диншунослик, маънавият асослари ва айниқса, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, каби фанларни иқтисодчи бакалаврлар чуқур ўзлаштириши лозим.

Фалсафани (этика, эстетика, мантиқ) ўзлаштиришда бу ижтимоий-гуманитар фанлар, бу фанларни ўзлаштиришда эса фалсафа жуда муҳим роль ўйнайди.

Фалсафа (этика, эстетика, мантиқ) дастури ДТСга тўла жавоб беради.

**Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал микдорига талабалар (3 - бандда берилияпти).**

**Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар.**

Фалсафа (этика, эстетика, мантиқ) фани учун ўкув режаси бўйича жами 126 соат, шундан маъруза учун 72 соат, семинар машғулотлари учун 54 соат, мустақил таълим учун 63 соат ажратилган.

Фалсафа фанини ўқитиши учун ўқув режаси бўйича учинчи семестрда 72 соат, шундан маъруза учун 36 соат, семинар машғулотлари учун 36 соат, мустақил таълим учун 36 соат ажратилган. Фалсафа (этика, эстетика ва мантиқ) фани учун тўртинчи семестрда 54 соат, шундан маъруза учун 36 соат, семинар машғулотлари учун 18 соат, мустақил таълим учун 27 соат ажратилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган тадбирлари миқдори (5-бандда берилияпти).

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиши технологияларини кўллаш.

Фанлар сабогида компютер техникаси, жумладан, видеотека – видео – кутубхона ва ЎТВ дан кенг фойдаланилади. Иш дастурларини тузишга оид услубий тавсиялар.  
Услубий қўлланмалар мавжуд.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **I қисм**

#### **(Фалсафа)**

##### **Фалсафа фанининг предмети, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни**

«Фалсафа» атамасининг маъноси ва мазмуни. Фалсафий тафаккур ва унинг моҳияти. Фалсафанинг фан сифатида пайдо бўлиши.

«Дунёқараш» тушунчасининг моҳияти. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Афсонавий, диний, фалсафий дунёқарашлар.

Фалсафий дунёқараш, унинг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари. Фалсафий дунёқарашнинг материалистик ва идеалистик шакллари.

Янгиланган фалсафанинг асосий тамойиллари: миллийлик ва умуминсонийлик, уларнинг бирлиги.

*Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва истиқлол фалсафасининг яратилиши.* И.А. Каримов истиқлол фалсафасининг асосчиси. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиётида мустақиллик фалсафасининг ўрни ва аҳамияти.

*Хозирги кунда ёшларимизда мустақиллик тафаккури ва тафаккур мустақиллигини шакллантиришида, уларни комил инсон қилиб тарбиялашда фалсафий дунёқарашнинг роли.*

Қадимги Шарқ ва Марказий Осиё, Қадимги Юнон ва Рим халқлари фалсафаси

Қадимги Бобил ва Мисрда илк фалсафий қарашларнинг вужудга келиши, уларда олам ва одам муносабатларининг ифодаланиши.

Қадимги Ҳиндистонда диний-фалсафий таълимотларнинг пайдо бўлиши. Ҳиндуизм, буддизм, жойнизм, лакоята, чорвака таълимотларининг моҳияти.

Қадимги Хитойда пайдо бўлган фалсафий оқимлар: даосизм, конфуцийлик, маосизм.

*Қадимги Туронда пайдо бўлган диний-фалсафи таълимотлар: зардуштийлик, монийлик ва маздакчилик.*

Зардуштийликнинг муқаддас китоби - «Авестода» олам ва одам, табиат ва инсон, инсон ва жамият муносабатларининг таҳлили. Моний таълимотининг моҳияти. Маздак таълимотида тенглик ва адолат ғоялари.

Қадимги Юнонистонда фалсафий фикрнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Юнон файласуфларининг борлиқ ва уни билиш ҳақидаги таълимотлари: Гераклит ва Пифагор. Фалсафада атомистик таълимотнинг вужудга келиши: Левкип ва Демокрит.

Юнон фалсафасининг диалектик характери. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари. Юнонистонда фалсафий фикрлар тараққиётида Сократ, Платон ва Аристотельнинг тутган ўрни.

Қадимги Рим фалсафаси. Лукреций Кар ва унинг табиат фалсафаси. Цицироннинг эклектик фалсафий қарашлари. Рим файласуфи Плотиннинг эманация таълимоти. Эманация таълимоти-нинг ўрта аср мусулмон Шарқи фалсафасига таъсири.

Ўрта асрлар Шарқи ва Европа халқлари фалсафаси

*Илк ўрта асрларда Шарқда ислом илоҳиётиниң пайдо бўлиши. Араб мусулмон уйғониши. Куръон - ўрта аср араб мусулмон фалсафасининг гоявий замини.*

Ислом ва унинг асосий мазҳаблари. Мутакаллимчилар ва мутазиллийлар. Ислом ва калом фалсафаси. Машшоюнлар ва табионлар.

Ўрта аср Шарқ фалсафаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти. Ал-Киндий; Ар-Розийнинг фалсафий қарашлари; Ал-Ғаззолийнинг фалсафий-илоҳий қарашлари; ўрта асрлар Фарбий Европада вужудга келган араб фалсафаси. Ибн-Рушднинг фалсафий қарашлари.

Ўрта асрлар Европа фалсафаси. Европада феодал ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши. Диннинг ижтимоий ҳаётда бош мафкурага айланиши. Фалсафанинг дин хизматкорига айланиши ва схоластик тус олиши, унда номинализм ва реализм оқимларининг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги баҳс мавзуси бўлган «универсал тушунчалар» масаласи.

Фома Аквинскийнинг фалсафий таълимоти: жоннинг ўлмаслиги, руҳнинг абадийлиги, «табиатдан ташқари ақл» ва «табиат ақли» ғоялари.

IX - XII асрлар Марказий Осиё халқлари фалсафаси

IX - XII асрлар Марказий Осиё халқлари фалсафаси. IX - XII асрларда Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси марказларидан бирига айланиши. Мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши. Диний ва дунёвий илмларнинг тараққий этиши. Табиий илмларнинг ривожи. Ислом фалсафаси ривожида Марказий Осиё мутафаккирлари: Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, ва Бурхониддин ал-Марғинонийларнинг хизмати.

*Муҳаммад ибн Мусо ал - Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Носр Муҳаммад ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, уларнинг жаҳон илм-фани ва фалсафий фикрлар тараққиётига қўйиган буюк ҳиссалари.*

## **Тасаввуф фалсафаси. Амир Темур ва Темурийлар даври Марказий Осиё халқлари фалсафаси**

Тасаввуф таълимоти. Тасаввуфда комил инсон муаммоси. Тасаввуфда динийлик ва дунёвийлик. Марказий Осиёда тасаввуф таълимоти ва унинг асосий йўналишлари: яссавия, қубравия ва нақшбандия, уларнинг жамиятдаги ўрни ва бугунги мустақиллик давридаги аҳамияти.

*XIV асрнинг 70 йилларида Марказий Осиё халқларининг мўгул мустамлакачилигига қарши курашининг кучайиши. Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари мустақиллиги учун сиёсий кураш майдонига чиқиши.*

Амир Темур – ҳалоскор, ўзбек давлатчилигининг асосчиси, яратувчи буюк сиймо, унинг “Куч - адолатда” шиори. А. Темур салтанати даврида илм-фанга, санъатга ва маданиятга, маъна-виятига эътибор, илм-фан, санъат ва маданият вакилларига ҳомийлик. “Темур тузуклари” асарининг фалсафий аҳамияти ва миллий ғоя масаласининг қўйилиши.

Амир Темур ва темурийлар даврида табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий қарашларнинг ривожланиши. Қозизода Румий, Мансур Коший, Мирзо Улуғбек ва Али Күшчиларнинг табиатшунослик, математика, фалакиёт фанларига қўшган ҳиссаси. Бу даврда ижтимоий-фалсафий қарашлар ривожи. Саъдиддин Тафтазоний ва Мирсаид Шариф Журжонийларнинг фалсафий қарашлари. Санъат ва маданиятнинг гуллаб яшнаши. *Алишер Навоийнинг олам ва одам, инсон ва жамият, комил инсон муаммоси, фозил жамоа ва адолатли шоҳ тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий қараишлари ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти.*

Ғарбий Европадаги Уйғониш даври ва янги замон фалсафаси

Уйғониш даври фалсафаси. XV-XVI асрларда Европада ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар: капиталистик тараққиётнинг бошланиши. Табиатшунослик фанларининг ривожланиши, уларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига таъсири. Фалсафада схоластикага зид йўналишнинг шаклланиши. Н.Коперник, Ж.Бруно ва Г.Галилейларнинг табиий-илмий қарашларининг фалсафий аҳамияти.

*XVII - XVIII асрлар янги замон фалсафаси. Фалсафада эмпиризм ва рационализм оқимлари: Ф. Бекон, Дж. Локк, Т. Гоббс, Р. Декарт, Б. Спинозаларнинг фалсафий қараишлари. XVIII аср француз маърифатпарварлари фалсафаси: Вольтер, Руссо, Ламетрий, Дидро, Гельвеций ва Гольбахларнинг фалсафий қараишлари.*

## **Немис мумтоз фалсафаси**

Немис мумтоз фалсафасининг вужудга келиши, унинг асосий хусусиятлари. И.Кант – немис мумтоз фалсафасининг асосчиси. Кант ижодининг икки даври: “танқидий фалсафагача” ва “танқидий фалсафа” даври. Кантнинг табиий- илмий ва фалсафий қарашлари. Унинг билиш назарияси ва ижтимоий-ахлоқий

таълимоти.

Ф.Гегельфалсафаси. Гегель фалсафасининг моҳияти: тафаккурнинг борлиқ билан айнанлиги. Гегельнинг диалектик методи. Гегель фалсафасининг зиддиятли томонлари.

Л. Фейербах-немис мумтоз фалсафасининг сўнгги вакили. Фейрбах фалсафаси, унинг антропологик характери. *Л.Фейербах-нинг табиат ва инсон ҳақидаги фалсафий таълимоти, унинг билиш назарияси ва ахлоқий қарашлари.*

## **XVII - XX асрларда Туркистон халқлари ижтимоий - фалсафий тафаккури тараққиёти тарихи**

*XVII-XX аср бошларида Марказий Осиёда ҳукм сурган ижтимоий - сиёсий муҳит, унинг ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётiga таъсирি.*

Мирза Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Бедил пантеизмининг ўзига хос хусусиятлари.

Бобораҳим Машрабнинг фалсафий қарашлари. Машраб ижодида ҳурфикарлилик, инсонпарварлик гояларининг ифодаланиши.

Марказий Осиёнинг амирлик ва хонликларга бўлиниб кетиши. Улардаги ижтимоий-маданий ва сиёсий жараёнлар. Қўқон ижтимоий-адабий муҳити. Увайсий, Нодирабегимларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Хива ижтимоий-адабий муҳити: Феруз, Комил Хоразмий, Огаҳийларнинг гуманистик қарашлари.

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий хаёт. Туркистоннинг чоризм томонидан истилоси ва унинг мустамлака ўлкага айланиши. Маърифатпарварлик ва жадидчилик харакатларининг пайдо бўли-ши. Аҳмад Дониш, Сатторхон, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ва Завқийларнинг маърифатпарварлик гоялари. Жадидчиликнинг миллий уйғониш, миллий тикланиш ва миллий покланиш гоялари. Жадидчиларнинг озодлик, мустақиллик учун кураши. Беҳбудий, Мунаввар Кори, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлонийларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари.

*Жадидчилик гояларининг миллий онгнинг ўсиишига, миллий гояларнинг ривожланишига таъсири.*

## **XX аср жаҳон фалсафаси**

*XX асрдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, илм-фан ва техника тараққиёти, уларнинг фалсафий тафаккурда акс этиши.*

ХХ асрда пайдо бўлган фалсафий йўналишлар, оқимлар ва таълимотлар, уларнинг асосий хусусиятлари. Классик фалсафий тафаккур ўрнини ноклассик фалсафий тафаккурнинг олиши. Ақл ва фанга муносабат - рационализм ва иррационализм. Илмий-техник ақлга сифиниш, унинг муҳолифлари. Сциентизм ва антисциентизм, технократик ва антитехнократик утопиялар.

Ҳаёт фалсафаси. А.Бергсон ва О.Шпенглернинг фалсафий таълимотлари.

Прагматизм фалсафаси. Ч.Пирс, У.Жеймис, Ж.Дьюининг фалсафий қарашлари. Неопозитивизм фалсафаси. М.Шлик – неопозитивзм асосчиси.

Фан фалсафаси. А.Айер, Л.Витгенштейннинг фалсафий қарашлари. Семантик фалсафа. Гуссерль – фенаменалогия мактабининг асосчиси. Постпозитивизм.

К.Поппер.

Экзистенциализм фалсафаси. К.Ясперс, М.Хайдеггер, Г.Марсель, Ж.Сартр экзистенциализми.

Неотомизм – ХХ аср дин фалсафаси. Неотомизм фалсафасининг тамойиллари, унинг анъанавий ва ноанъанавий йўналишлари.

*Миллий мустақиллик фалсафаси. И.Каримов – миллий мустақиллик фалсафасининг асосчиси. Мустақиллик фалсафаси-нинг миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари.*

## **Фалсафада борлиқ муаммоси**

“Борлиқ” тушунчасининг моҳияти. Онтология - борлиқ ҳақидаги фалсафий таълимот. Борлиқнинг диний, илмий ва фалсафий талқинлари.

Борлиқнинг моддий ва маънавий турлари. Моддий борлиқ ва субстанция. Субстанция муаммосини ҳал қилишда монистик, дуалистик ва плюралистик қарашлар.

*Борлиқнинг мавжудлик шакллари ва усуллари. Ҳаракат - борлиқнинг мавжудлик усули. “Ҳаракат”, “ўзгариш” тушунчалари. Ҳаракат ва тинчлик, барқарорлик. Ҳаракатнинг асосий турлари ва шакллари.*

*Фазо ва вақт-борлиқнинг мавжудлик шакли. Фазо, вақт ва ҳаракатнинг боғлиқлиги.*

Дунёнинг бирлиги муаммоси. Моддий ва руҳий дунё; тушунчалари. Дунёнинг бир бутунлигини асословчи фалсафий таълимотлар ва уларнинг борлиқни билишдаги аҳамияти. Моддий дунёни билишда иқтисодий таълимотларнинг ўрни ва роли.

### **Тараққиёт фалсафаси**

Тараққиёт ва алоқадорлик ҳақидаги қарашларнинг пайдо бўлиши. “Алоқадорлик”, “ўзгариш” ва “ривожланиш” тушунчалари. Тараққиёт тўғрисидаги турлича қарашлар, концепциялар, назарияларнинг вужудга келиши. *Диалектика - алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги таълимот. Диалектика инсонни, борлиқни тушуниши ва тушунтириши усули сифатида. Объектив ва субъектив диалектика, уларнинг ўзаро муносабати.*

*Метафизика, унинг асосий тушунчалари ва тамойиллари. Классик ва ҳозирги замон фалсафасида диалектика ва метафизика масалалари. Диалектика ва метафизика, детерминизм ва индетерминизм, релятивизм ва синергетиканинг жаҳон фалсафаси учун аҳамияти.*

“Категория” тушунчаси. Универсал алоқадорликларни ифодаловчи диалектика категориялари: яккалик, хусусийлик ва умумийлик; моҳият ва ходиса; мазмун ва шакл. Структуравий алоқадорликларни ифодаловчи диалектика категориялари: бутун ва қисм; система, структура ва элемент. Детерменистик алоқадорлик-ларни ифодаловчи диалектика категориялари: сабаб ва оқибат; зарурият ва тасодиф; имконият ва воқелик.

“Қонун” ва «Қонуният» тушунчаси. Қонунларнинг турлари: табиат, жамият ва тафаккур қонунлари. *Объектив ва субъектив қонунлар.*

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши қонуни. “Миқдор”, “сифат”, “меъёр” ва “сакраш” тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабати. Тараққиёт жараёнида уларнинг ўрни ва роли. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг тадрижий характеристи.

*Воқеилик ва ўзгариши жараёнида айният, ва зиддият диалектикаси. Айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабати. Зиддиятларнинг турлари. И.А. Каримов ўзгаришларнинг зиддиятли характеристи, уни ечиш йўллари тўғрисида. Мустақиллик ва жамиятнинг тадрижий тараққиёти.*

Ўзгариш ва тараққиёт жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили. “Инкор”, “инкорни инкор”, “синтез” тушунчалари. Инкорни инкор диалектикаси: диалектик ва метафизик инкор. Ворислик-эскининг инкори ва янгиликнинг

шаклланиши сифатида. *Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ворислик ва янгилашининг ўзига хос хусусиятлари. Бу жараённинг истиқлол мафқурасини шакллантириши ва комил инсон тарбияси учун аҳамияти.*

### **Фалсафада инсон муаммоси**

*Инсон – «Фалсафа»нинг бош ўрганиши обьекти. Инсонни фалсафий ўрганишининг ҳаётий зарурияти. Инсон муаммосини фалсафий таҳлил қилишининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.*

“Инсон” тушунчалиги, унинг “индивиду”, “одам”, “шахс” тушунчаларига нисбати, уларнинг ўзаро муносабати.

Инсоннинг табиий-биологик, руҳий-маънавий ва ижтимоий жиҳатлари. Инсон – биоруҳий ижтимоий мавжудот сифатида. Инсоннинг пайдо бўлишида меҳнат, нутқ, ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ўрни.

Инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлари ва вазифалари. Инсонийлик, инсонпарварлик.

*Инсон ҳаётининг маъноси, мазмуни ва моҳияти. Инсон олий қадрият сифатида. Инсон қадр-қиммати. Инсоннинг жамиятдаги ўрни.*

*Мустақил Ўзбекистонда инсон қадри, ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг кафолотлари. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар-инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган жараён. Ўзбекистонда инсон манфаати йўлида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.*

### **Фалсафада онг муаммоси**

*Фалсафада онг муаммосининг қўйилиши ва унинг ўзига хос томонлари: унга диний, табиий-илмий ва фалсафий ёндашув.*

Онгнинг пайдо бўлиши. Онг ва инсон мияси. Онг – инсон миясининг хоссаси, унинг функцияси.

Онг ва инъикос. Онг ва руҳият. Онг – инъикоснинг олий руҳий шакли. Онг – инсоннинг ўзини ва атроф-муҳитни англаши.

*Онгнинг ижтимоий жиҳати. Онг – ижтимоий тараққиёт маҳсули. Онгнинг шаклланиши ва ривожланишида меҳнат, ижтимоий фаолият ва тилнинг роли.*

Онгнинг структураси: сезгилар, идрок, ҳис, тасаввур, ирода, хаёл, хотира, тафаккур.

Онг, онг ости онг, онгсизлик, уларнинг инсон фаолиятида ўзаро муносабати. Онг ва инсоннинг “Мени”, онг ва инсоннинг ўз-ўзини англаши. Ўз-ўзини англашнинг даражалари. Миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш.

Мустақиллик шароитида миллий онг ва миллий ўз-ўзини англашнинг аҳамияти.

*Онгнинг шакллари ва даражалари.* Оддий онг, оммавий онг, назарий онг. Ижтимоий руҳият ва мағкура. Индивидуал ва ижтимоий онг. Ижтимоий онгнинг асосий шакллари, уларнинг фарқлари ва ўзаро алоқадорлиги.

*Онгнинг ижодий характери. Онг ва ижод. Ижоднинг табиати ва моҳияти. Қобилият, истеъодод, талант. Инсон онгининг ижодий имкониятлари.*

### **Билиш назарияси**

*Инсон билишининг табиати ва моҳияти. Амалиёт – инсон билишининг асоси, мақсади, уни вужудга келтирувчи асосий омил.*

Билишнинг субъекти, обьекти ва предмети, уларнинг ўзаро муносабати. Билишда субъектнинг фаоллиги.

*Билиш ва билим.* Билим – билишнинг натижаси. Гноссология – билиш тўғрисидаги таълимот.

*Инсон билишининг турлари ва шакллари.* Оддий билиш, илмий билиш, интуитив билиш ва ғойибона билиш. Билишнинг асосий босқичлари: ҳиссий билиш ва ақлий билиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Билишнинг диалектик характеристи. Билиш жараёни. Борлиқ ва билишнинг зиддиятлари. Билишнинг билмаслиқдан билишга, кам билишдан кўпроқ билишга, юзаки билишдан чуқурроқ билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга, оддий билишдан илмий билишга, ҳиссий билишдан ақлий билишга, эмпирик билишдан назарий билиш томон бориши.

*Билиш ва ҳақиқат.* “Ҳақиқат” тушунчаси. Ҳақиқатнинг турли шакллари: нисбий ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат, уларнинг ўзаро муносабати. Ҳақиқат ва хато. Ҳақиқатнинг конкретлиги. Ҳақиқат-нинг мезонлари. Амалиёт – ҳақиқатнинг асосий мезони. Ҳақиқатга эришиш – инсон билишининг асосий мақсади. Ҳақиқат ва баҳолаш. Баҳолашда ҳақиқатнинг ўрни.

*Илмий билиши, унинг моҳияти, усуллари ва асосий шакллари.* “Илмий билиш” тушунчаси. Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари, уларнинг ўзига хос усуллари: кузатиш, эксперимент, таққослаш, турларга, гурухларга ажратиш; анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, умумлаштириш, мавхумлаштириш, конкретлаштириш, моделлаштириш, формаллаштириш, математиклаштириш.

Илмий билишнинг асосий шакллари: факт, ғоя, муаммо, гипотеза, назария ва илмий олдиндан кўриш.

*Фан – илмий билишининг маҳсус шакли. Табиатшунослик, ижтимоий, гуманитар ва техника фанлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фанлар*

*фалсафаси ва методологияси. Фалсафий герменевтика. Фан тили. Фан социологияси.*

Ижтимоий билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий билишда ижтимоий эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар, режа ва дастурларнинг ўрни ва роли. Ижтимоий билишда амалиёт ва назариянинг аҳамияти. Ижтимоий билишда ҳақиқатнинг ўзига хос томонлари: тарихий ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати, бадиий ҳақиқат. Ижтимоий билишнинг ўзига хос усуллари: қиёсий-тарихий усул, тарихийлик ва мантиқийлик, ижтимоий тажриба, ижтимоий эксперимент, социологик тадқиқот, экстраполяция, системали ёндашув, прогнозлаш.

Ижтимоий билиш ва унинг усулларининг Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.

## **II қисм (Этика)**

### **Этиканинг предмети ва асосий вазифалари**

Этика ахлоқ хақидаги илмий назариядир.

Этика - фалсафий фан. Этика фанининг предмети ахлоқ, унинг келиб чиқиши ва мавжудлик қонуниятларидир. У ахлоқнинг сифат чегараларини тавсифлайди ахлоқ ва одобни таҳлил қиласи, инсонни маълум тамойилларга қўра тарбиялаш тўғрисидаги малакани шакллантиради.

*Ахлоқ, унинг ижтимоий мазмуни, тизими ва функцияси, ахлоқ категориялари, касб этикаси, ахлоқий тарбия, унинг можияти, методлари ва воситалари этика фанининг маркибий қисмлари сифатида.*

Этиканинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар – философия, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, социология, социал психология, педагогика, ҳуқуқшунослик, тарих, адабиёт, этнография, этика ва ҳ.к. лар билан алоқаси.

Этиканинг миллий ва умуминсоний характеристи. Ахлоқий идеал ва унинг қадри. Ахлоқсизлик ва унга қарши курашда этиканинг аҳамияти.

Этиканинг ахлоқий дунёқарашни шакллантирувчи фан эканлиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қарор топтиришда ва комил инсонни шакллантиришда ахлоқий дунёқарашнинг ўрни ва роли.

## **Ахлоқнинг моҳияти, тизими ва функцияси**

Ахлоқ кишиларнинг ўзаро ҳамда кишилар билан жамият ўртасидаги муносабатларининг ўзига хос ижтимоий ифодаси, киши ҳулқини идора қилиш вазифасини бажарувчи ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт, ахлоқий муносабатлар бирлиги эканлиги.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ахлоқнинг иштирок этишлиги ва унинг қўп функциялилиги.

Ахлоқий онг ва унинг мазмуни. Индивидуал ва ижтимоий ахлоқий онг ва улар ўртасидаги боғлиқлик. Ижтимоий ҳаётда ахлоқий туйғу, ҳиссиёт ва ишончнинг ўрни. Ахлоқий идеал ва ҳаёт. *Ахлоқий идеалда умуминсонийлик, миллийлик ва индивидуаллик нисбати. Мамлакатимиз ҳалқларининг ахлоқий идеали.*

Ахлоқий амалиёт амалда намоён бўлгувчи ахлоқ эканлиги.

Ахлоқий шартлар ва ижтимоий ҳаёт. Ахлоқий ҳулқ - кишиларнинг онги ва иродаси билан белгиланадиган ахлоқий ҳатти-харакатларнинг йиғиндиси сифатида.

Ахлоқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос жиҳати эканлиги. Ахлоқий муносабатларнинг ўтқинчи ва турғун шакллари. Ахлоқий муносабатларнинг бошқарув ва муҳофаза вазифалари.

Ахлоқий муносабатлар системасида ахлоқий норманинг ўрни ва роли. Ахлоқий норманинг ижтимоий табиати. Ахлоқий тамойиллар ва ахлоқий норма. Ахлоқий норма ва ахлоқий баҳо. Ахлоқий баҳода илмнинг, билимнинг, одат ва анъаналарнинг ўрни.

Ахлоқий ишончнинг инсон қалб нидоси эканлиги. Келажаги буюк давлатни қарор топтиришда ахлоқий ишончнинг аҳамияти.

Ахлоқнинг идора, тарбиявий, билиш, баҳолаш, мотивацион, коммуникатив ва прогностик вазифалари. Ахлоқ вазифаларининг ижтимоий ўйналтирилганлиги. Комил инсонни шакллантириш ахлоқнинг доимий ўзгармас, бош вазифаси эканлиги.

## **Этиканинг асосий категориялари**

Этика категориялари ахлоқнинг энг муҳим жиҳатлари, хусусиятлари ва унсурларини ифодаловчи тушунчалар эканлиги. Этика категорияларининг ижтимоий табиати ва уларнинг ахлоқий такомил жараёнида мазмунан бойиб бориши.

Этика категориялари тизими. Яхшилик ва ёмонлик категорияларининг мазмуни, улар мазмунининг тарихан ўзгарувчанлиги. Келажаги буюк давлатни қуриш кўп жиҳатдан қарор топаётган яхшиликнинг ёмонликни қай даражада сиқиб чиқаришига боғлиқ эканлиги.

Адолат - тенгликнинг ҳақиқий ва тақдирлашнинг зарурый ўлчови сифатида. Адолатнинг ахлоқий муносабатлар регулятори эканлиги. Адолат тушунчасининг мазмуни. Мустақиллик ва жамиятда ижтимоий адолат тантанаси.

Бурч, унинг мазмуни ва вазифаси. Бурчнинг шакллари. Бурчнинг ижтимоий манфаат, шахснинг жамият олдидаги вазифаси билан боғлиқлиги. Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фуқаровий бурч.

Ор-номус ва қадр-қимматнинг шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, кишилар хулқига таъсир кўрсатиш воситаси эканлиги. Мустақил давлатимизнинг кишиларда қадр-қиммат, ор-номус туйғуларининг юксалишига ғамхўрлик қилиши.

Виждон категориясининг мазмуни. Инсоний маданиятнинг ўсиши билан виждон тушунчасининг бойиб бориши. Унинг баҳо, буйруқ, мотив ва эмотив характерга эгалиги.

Ҳаётнинг маъноси – инсон ҳаётий фаолиятининг умумий йўналиши, унинг ўз олдига қўядиган асосий вазифа эканлиги. Инсон ҳаёти маъносида унинг ўз ҳалқи баҳти, Ватанининг тараққиёти учун курашининг ўрни.

Бахт кенг мазмунда инсон ҳаётининг умумий баҳоси эканлиги. Бахтнинг объектив, субъектив, ижтимоий, индивидуал, рационал ва эмоционал жиҳатлари. Мустақиллик шароитида бахтни тўла-тўқис рўёбгачиқариш имкониятлари.

## **Тадбиркорлик этикаси**

Тадбиркорлик этикасининг мазмуни ва унинг ахлоқ тизимида тутган ўрни. Амалий этика ва касбий ахлоқнинг турлари. Педагоглар, тиббиёт ходимлари, бошқарув, адлия ходимлари, илмий, савдо ахлоқи. Банк ходимлари, аудиторлар, солиқ ва суғурта ходимлари этикаси.

Тадбиркорлик ахлоқининг пайдо бўлиши. Тадбиркорлик этикасининг баҳс мавзуи. Тадбиркор шахси ва унинг типлари: тадбиркор, тадбиркор-мешчан, тадбиркор-бюроқрат. Тадбиркорнинг ахлоқий қиёфаси. Тадбиркорнинг бурчи ва виждони, шаъни ва ор-номуси. Тадбиркор масъулияти ва адолат.

Тадбиркорлик ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, инсоний комиллик, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик.

Тадбиркорлик этикасида инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар устуворлиги ва миллий қадриятларга содиқлик.

И.Каримов асарларида тадбиркор бурчи ва масъулияти масалаларининг ёритилиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркор ахлоқи ролининг янада ошиб бориши.

## **Баркамол авлод тарбияси ва ахлоқий камолот**

Баркамол инсон тушунчаси ва унинг мазмуни.

Ахлоқий тарбия, унинг моҳияти, мақсади. Ахлоқий тарбия - жамиятнинг шахсга нисбатан талабларининг унинг ички эътиқодига айланишини мақсадга мувофиқ йўналтирувчи жараён сифатида.

И.Каримов ахлоқий тарбияни ёшлар онгига сингдиришнинг асосий йўналишлари ҳакида.

Оила, мактабгача таълим, мактаб, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар баркамол авлодни шакллантиришнинг ўзига хос соҳалари эканлиги. Ахлоқий тарбия йўналишлари ва уларнинг ҳар бирини мақсадга мувофиқ, узвий боғлиқ ҳолда ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари.

Ахлоқий тарбияни ташкил этишда маданий-маърифий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг ўрни ва роли. Ижтимоий-гуманитар фанлар ахлоқий тарбиянинг муҳим воситаси эканлиги.

Ахлоқий тарбияда тарбиячининг маънавий салоҳияти. Соғлом мулоқот муҳити, гап ва амалиёт бирлиги, ижтимоий адолат ҳаётийлигининг аҳамияти.

Ахлоқий тарбиянинг ижтимоий, педагогик, психологик усуслари.

Ахлоқий тарбия ҳаётйлигини таъминлашда жамоанинг шахсга, шахснинг жамоага таъсири. Тарбияланувчининг ижтимоий фаоллигини, инсонпарварлик ва ватанпарварлигини ошириш, ғайри ахлоқий хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларга қарши кураш услублари сифатида.

Ахлоқий тарбиянинг изчиллиги ва комплекслиги. Уни мунтазам кузатиб ва баҳолаб бориш, такомиллаштириш, режалаштириш ахлоқий тарбия самарадорлигини оширишнинг замини эканлиги.

### **III қисм (Эстетика)**

Эстетиканинг предмети ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни

Эстетиканинг инсон томонидан борлиқни гўзаллик қонунларига кўра ўзлаштириш тўғрисидаги фан эканлиги. Эстетика фанининг предмети тўғрисидаги қарашлар эволюцияси.

Эстетикада субъект ва объект муносабатининг ўзига хослиги. Воқеликнинг эстетик инъикоси. Инсон фаолиятида эстетик манбаанинг мавжудлиги. Эстетик объект ва унинг мазмуни. Эстетик муносабат тизимида субъект ва унинг ўрни.

Эстетик муносабат ва унинг мазмуни. Эстетик муносабатда ҳис- хаяжон. Эстетик муносабатнинг шахс эркинлиги, беғаразлиги, маълум эътиқодга мойиллиги билан алоқадорлиги.

Эстетик онгнинг эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик фикр, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назария кабиларнинг мукаммал тизим эканлиги. Эстетик онгнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Эстетик онг ва индивидуал эстетик онг. Эстетик онгнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари билан алоқадорлиги ва нисбий мустақиллиги. Эстетик онг ва эстетик фаолият. Эстетик онгнинг тарихий типлари ва шакллари. Эстетик онгда ворислик масаласи.

Борлиқни инсон томонидан эстетик ўзлаштиришда философия, миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва бошқа ижтимоий гуманитар фанларнинг аҳамияти.

Эстетика фанининг тизими ва унинг асосий тушунчалари ва тамойиллари. Келажаги буюк давлатни қарор топтиришда соғлом эстетик дунёқарашнинг ўрни ва роли.

## **Эстетик фаолият**

Эстетик фаолият эстетик онгнинг ҳаётийлашиши, моддийлашиши эканлиги. Эстетик фаолиятда талаб ва эҳтиёж бирлиги. Эстетик эҳтиёж, унинг мазмуни ва тизими. Эстетик эҳтиёжда ижоднинг ўрни ва роли.

Маиший турмуш гўзаллиги. Уй -рузғор буюмларида қулайлик ва гўзаллик уйғунлиги. Бинолар, кўчалар, хиёбонлар мутаносиблиги ва инсон кайфияти.

Кишилар ўртасидаги муносабат ва инсонлар хатти-ҳаракати. Этикет ва гўзаллик. Инсон хис-ҳаяжони ва ахлоқ нормалари ўртасидаги боғлиқлик. Жамиятнинг эстетик омили ва ундан баҳраманд бўлиш муаммолари.

Эстетик ва бадиий фаолият. Санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўриниши эканлиги.

Эстетик ва иқтисодий фаолият. Мехнат, меҳнат қуроллари гўзаллиги.

Моддий ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини оширишда эстетик дид ва дунёқарашнинг аҳамияти. Янги технология, инвестиция ва ишлаб чиқаришнинг эстетик жиҳатлари. Дизайн-бадиий- техник фаолият тури сифатида. Техника эстетикаси ва дизайн.

Илмий ижод ва эстетик фаолият. Илмий ижодда эстетик омилларнинг ўрни ва роли. Эстетик маданият ва илмий ижод бирлиги. Илмий ижоднинг индивидуал табиати, тадқиқотчи таланти ва профессионализми. Илмий ижодда интуиция, тасодиф ва гўзаллик. Санъатнинг илмий ижодга таъсири.

Мамлакат тараққиёти ва истиқболида эстетик фаолиятнинг ўрни ва роли.

## **Эстетиканинг категориялари**

Эстетика категориялари ва уларнинг табиати. Гўзаллик эстетиканинг асосий категорияси эканлиги.

Гўзалликнинг хилма-хиллиги ва улардаги умумийлик. Гўзалликнинг маълум таъсирлар натижасида инсонда ижобий хиссиётларга бой ҳолатнинг пайдо бўлиши эканлиги. Гўзалликнинг намоён бўлиш даражалари. Табиат, жамият, инсон гўзаллиги. Санъатда гўзаллик. Борлиқ гўзаллиги моҳиятининг санъатда акс этиши. Санъатдаги гўзалликда шакл ва мазмун бирлиги. Истиқлол ва гўзаллик.

Хунуклик эстетиканинг гўзалликка қарама-қарши бўлган категорияси эканлиги. Хунукликнинг табиати. Хунуклик эстетик ҳис-ҳаяжоннинг икки томонламалиги ва унинг гўзаллик билан бевосита алоқадорлиги.

Улуғворлик ва унинг кўлами. Улуғворликнинг табиат, жамият ва инсон фаолиятидаги кўриниши. Қаҳрамонликда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифатларнинг намоён бўлиши.

Тубанлик - тасаввур қилиб бўлмас хунуклик, шахс, жамият учун хавф, ёмонликни ўзида ифодаловчи эстетик сифат эканлиги.

Фожиавийликнинг эркинлик ва зарурият муносабатида инсоннинг азобланиши ва ўлимга алоқадор ўта зиддиятли ҳолатларни акс эттирувчи эстетик категория эканлиги. Ҳаёт ва санъатдаги фожиавийлик. фожианинг инсонга поклантирувчи таъсири.

Кулгилиликтининг ижтимоий аҳамиятга эга зиддиятларга маълум бир эстетик идеал нуқтаи назаридан ҳаяжонли-танқидий муносабатни ифодаловчи категория эканлиги. Кулги ва кулги маданиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли.

### **Санъат ва унинг ижтимоий табиати**

Санъат маданиятнинг ўзига хос муҳим жабҳаси эканлиги. Санъат тушунчасининг кенг ва тор мазмuni.

Санъат обьектларининг ўзига хослиги. Инсон тақдири ва унинг ички кечинмалари. Санъатнинг такрорланмас обьекти эканлиги. Санъатнинг предмети. Бадиий ижод жараёнида бадиий асар мазмuni ва образи тизимига сингдирилувчи нарса ва ходисалар эканлиги.

Бадиий ижод ва унинг табиати. Ижодкор ва бадиий ижод. Ижодкор дунёқараши ва санъат. Бадиий ижод жараёнининг асосий босқичлари.

Санъатнинг турлари. Адабиёт, архитектура, тасвирий санъат, декоратив-амалий санъат, дизайн, музика, театр, кино санъат турлари сифатида. Санъат асарларида миллийлик ва умуминсонийлик.

Бадиий образ ва унинг мазмuni. Ҳиссий бадиий образ. Борлиқни бадиий образли ўзлаштиришда индивидуал-шахсий ва ижтимоий- аҳамиятлилик уйғуналигининг кўриниши. Санъатни бадиий образли идрок этишда обьективлик ва субъективлик диалектикаси. Бадиий образли тафаккурнинг дунёқарашибихатлари. Бадиий образни типиклаштириш. Ўзбек санъати ва адабиётида янги бадиий қаҳрамон масаласи ва унинг ечими.

## **Эстетик тарбия, унинг моҳияти ва мазмуни**

Эстетик ва бадий маданият шахс маънавий қиёфасининг муҳим жиҳати эканлиги. Ижтимоий тараққиётнинг гўзаллик қонуниятларига кўра яратиш билан узвий алоқадорлиги.

Шахс эстетик маданияти, эстетик ҳис, ишонч, билим, кўнишка ва нормаларнинг йигиндиси эканлиги.

Бадий маданият ва унинг мазмуни. Бадий маданиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ролининг тўхтовсиз ортиб бориши қонуни

